

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 100 (7.093). Sotuvda erkin narxda

Uzning mening ulug'laridan ulug'imisan, Vatanim!

Хуррият наволари

Эллиқалъада ўтказилган адабиёт байрами иштирокчилари қалбига чексиз шуқуҳ бағишлади

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрлидир. Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Истиклолимизнинг 15 йиллигини асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари билан қутиб олаётган мамлакатимиз меҳнатқашларининг бугунги азму шиқоати, фидойчилиги, элим деб, юртим деб ёниб яшаши бунинг ёркин тимсолидир. Ахир оташнафас шоиримиз Абдулла Ориф куйлаганидек, бу ёруғ оламда Ватан биттадир, биттадир дунёда Она деган ном.

Катрада қуёш акс этганидек, бепоен мамлакатимизнинг қаерига борманг, қалбда Ватан туйғуси жўш урган бунёдкор халқимизнинг бугунги шодлигини, ҳаяжонини, қувончини, келажиги буюк Ўзбекистонимизнинг иқболи учун астойдил энг шимариб меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Кунни кеча Қорақалпоғистоннинг энг кенжа, ҳар томонлама ривожланётган қўриқ Эллиқалъа туманида мафтункор Зомин, саховатли Паркент тумани ва бунёдкор Қашқадарёдан кейин энг азиз ва улуг сана — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган адабиёт байрами давом этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкиллаштирилган мазкур тадбир рамзий маънода "Хуррият наволари" деб аталди. Унда мамлакатимизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, публицистлар, санъаткорлар қатнашиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ шоири, республика Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орифнинг бошчилигида гоёт юксак савияда ўтди.

—Эллиқалъада "Хуррият наволари" тантаналари ўтказилиши беҳиз эмас, — дейди туман ҳокими Нейматулла Худойбергенов. — Бундан ўттиз тўрт йил олдин қадимий Эллиқалъа мавзесини ўзлаштириш бошланган эди. Маълумки, бу маскан минг йиллар олдин гуллаб-яшнаган, кейин эса Амударё ўз ўзинини ўзгартириб, сувсизлик оқибатида сахрога айланган ерларга иккинчи ҳаёт бағишлашдек эзгу ният билан қўлуварлар келишган эди. Утган даврда обихаёт келтирилиб, минглаб гектар қўриқ ўзлаштирилди. Боболаримиз чирогини қайта ёққан қўлуварлар савий-ҳаракатлари туяйли Ўзбекистон ҳаритасида янги Эллиқалъа тумани пайдо бўлди. Аҳоли нуфузи 36 мингдан 120 минг нафарга етди. Айниқса, мустақиллик йилларида кескин юксалиш кўзга яққол ташланди. Бу ерда эса



иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш билан бир қаторда маънавий-маърифий жаҳларда катта ўзгаришлар юз берди. Баркамол авлодни тарбиялашга жидаий эътибор қаратилди. Туртта коллеж, ҳозирча Қорақалпоғистон туманларида ягона ҳисобланган Муҳаммад Юсуф номидаги академик лицей халқимизнинг ўғил-қизларига чуқур таълим-тарбия бермоқда. Улар қаторига амалдаги йилдан эътиборан Отажон Худойшукров номидаги санъат коллежи қўшилиди. Мазкур билим даргоҳида 140 нафар фарзандлар саккиз йўналишда санъат соҳаси мутахассислари бўлиб етишди. 1999 йилдан эътиборан тўрт марта ижодкорлар танловлари, "Оққул илҳомлари" шеърят байрамлари ўтказилляпти. 2004 йили Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган республика миқёсидаги адабий кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида "Хуррият наволари" деб номланган адабиётнинг ўзига хос байрами Эллиқалъада ўтказилиши ҳам юқоридаги тадбирларнинг узвий давоми ҳисобланади...

(Давоми 4-бетда)

Боқий ва барқаёт анъана

Истиклолимизнинг 15 йиллигига



Халқимизнинг бунёдкорлик, ҳамжихатлик, ўзаро меҳр-оқибатлик сингари эзгу фазилатларни тарғиб этувчи урф-одат ва қадриятлари бисёр. Инсон қамолотига хизмат қилувчи бундай анъаналар орасида ҳашарнинг ўрни бекибсиз.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ота-боболаримизнинг ана шундай умрбоқий анъаналарини муносиб давом эттириш, янгича маъно ва мазмун билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Юртимизда 19-20 август кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашари бунинг яна бир исботи бўлди. Ушбу тадбир «Ҳомишлар ва шифокорлар йили» дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатлик, саховат ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, маҳаллалар, қўчалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш, санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлашга пухта тайёргарлик қўриш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

Ҳал қилувчи палла

Пахтачиликда энг тизгиз, ҳал қилувчи палла бошланди. Худди шу пайтда йил бўйи қилган меҳнатимиз юзага чиқади. Бир қисм чаноқлар очилиб, қўсақлар етилади.

Шунинг учун ҳам фермер хўжалигимиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, гўза парваришида йигирма кунлик сафарбарлик эълон қилгандаки. Мавжуд аъзоларимиз билан ки-фояланмай, қўшимча ишчи кучларини жалб этган ҳолда гўзанинг ён шохларини бир

ришди. Механизаторларимиз бўлса культиватор ишчи органларини ҳимоя тўсиқлари билан ўраб, жуда ҳам хуш-ёрлик билан қатор ораларини обитобидо юмшатишди.

Бу ишларни изчил давом эттириб, сафарбарликни бир зум ҳам бўшаётганимиз. Шу йўл билан мўлжаллимиздаги мўл, сифатли ҳосил олишга замин яратамиз.

Элибой ТАНИЕВ, Пастдарғом туманидаги "Умин момо" фермер хўжалиги раҳбари, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиби.

«Пўлат отим» — мададкорим

Трактор — даланинг булбули. Гўза шу кунларда нафақат тракторнинг ишчи қисмларидан, балки унинг овондан ҳам баҳра олади. Техника эгитлардан қанча кўп ўтса, қатор ораларига шабада юриб, қўсақлар селкиллаб, солланиб, тракторга ҳам, тракторчига ҳам «раҳмат», дейди. Ривож топашда, қўсақлар бўлиб, салмоқдор бўлади.

Биз ҳар йили шундай қиламиз. То теримга бир ҳафта қолгунча даладан тракторни чиқармаймиз. Бугунги сўрасангиз, бошқалардан сал олдинроқ юришимизнинг, ҳар йили 35-40 центнердан ҳосил олишимизнинг асосий сир-синоати ҳам шунда.

Зарбдор 20 кунликда сувчилар билан бамаслаҳат, ўзаро ҳамкорликда иш қўрагимиз. Етилган, шарбатга тўйган пайкалларни обитобидо

юмшатаймиз. Шу кунларда гўзанинг ҳосилга ётган, авжи шохлаган пайти. Бу вақтда гўза тана-ни эрталаб, кечқурунлари мўрт бўлади. Салгина нарсга тегса, шохи синиб тушиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун тракторни офтоб кўтаририлганда, гўзалар сал сўлинкараган пайт-юрғизиб, намозшомага яқин ишни тўхтатиш маъқул бўлади. Қолаверса, шомаслик, иложи бори-тракторни эҳтиёткорлик билан «йўргалатиб» эмас, одиллатиб юргизиш керак.

Юқорида айтганларимга амал қилиб, трактор ишловини тўхтатмаган дехқон ҳосилнинг баракасини кўради.

Максуд ЯНГИБОВ, Урганч туманидаги "Дўрмон" ММТПси механизатори, "Шуҳрат" ордени нишондори.

Пойдевор VII

Бизда аёл фариштага ўхшатилади, бу ҳақда шундай халқ мақоли ҳам бор:

Авлинг саришаси — Одамнинг фариштаси.

Аёлга эҳтиром — амалда жамиятга муносабат даражасини билдиради. Бошқача

нашр қилинди, эшиттириш, кўрсатув, ҳужжатли фильмлар халқ ҳукмига ҳавола этилди.

16 февраль ҳар бир Ўзбекистонликнинг қалбига асло ёддан чиқмайдиган бир доғ қолдириди — пойтахтда террорчи қўчалар, яъни сийсий ва диний экстремистлар томонидан уюштирилган қўпурчилик ҳаракати содир

айтганда, жамиятнинг маданий-маънавий даражаси аёлга муносабатга қараб аниқланади. Чунки... Яна мақол ёдга тушади.

Аёл Ердан чиққан эмас — эркак боласи, Эркак қўқдан тушган эмас — аёл боласи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1999 йили "Аёллар йили" деб эълон қилди. "Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари" давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Аёлга муносабат билан боғлиқ асрий бой меросимизга "галвир" солинди. "Аёлга эҳтиром" деган маъносини тўпалам шу асосда тайёрланиб, чоп этилди. Қанчадан-қанча мақола, рисола, китоблар

этилди. Оқибатда 16 нафар беғуноҳ инсон ўлдирилди, 120 киши тан жароҳати олди.

Ушбу сатрлар муаллифи ишлаётган идоранинг даражаси Вазирилар Маҳкамаси тарафга қарар эди. У ердаги маъмурий бино остидаги портлаш тўлкини таъсирида икки қаватли деразанинг бир қавати чилпарчин бўлди, иккинчи қавати дераза очилиб кетгани учун синмай қолди.

16 февраль воқеаси амал-ида Мустақилликка отилган ўқ эди. 2000 йили Сурхондарё вилоятидаги Сариевнинг ва Узун туманларнинг Тожикистон билан чегара ерларида, Ташкент вилоятининг Янги-обод қишлоғида террористик ҳаракатлар содир этилди. Истиклолнинг мустақам қўрғонини бундай ҳужумлар билан кулатиб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатди. Халқ, давлат хушёр тортиди. Терроризмга қарши



огохлик кураши бошланди. Ийлинг хотирадан ўчмас ўрин олган воқеаларидан бири шуки, 2 март куни Президентнинг Фармони билан 9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакат раҳбари олдида кейинги йил байрамлари масаласини хал этиш турар эди. 9 май умумхалқ байрами сифатида саклаб қолинди. Чунки 1941-1945 йиллар урушида Ўзбекистон халқи адолат тарафида туриб жанг қилди, ғалабага муносиб ҳисса қўшди.

Аммо Ватан тушунчаси тамоман ўзгарган, бу байрамни эскичасига номлашнинг эса асло иложи йўқ эди. 1992-1998 йилларда у Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба кунини сифатида нишонлаб келинди. Ном кунга мос тушмаётган эди. Санани немис-фашист бос-

қинчилари устидан қозонилган ғалаба кунини, деб номлаш ҳам мазмун-моҳиятга тўла жавоб бермасди.

Президент оқилона ечим топди. Хотира ва қадрлаш тушунчалари — инсонга хос абадий туйғулар ҳисобланади. Унда миллийлиги умуминсонийлик ҳам, фалсувий моҳият ҳам мумкин.

Шу йили 9 май кунини пойтахтдаги Хотира майдонини тантанали равишда очилди. Мотамсаро она ҳайкали давлат раҳбари илгарти сурган бир ҳудуд гоёни ифодалади: урушда номгўл аскар эмас, маълум, онаси — юрти бор инсон мардларча халок бўлган, уни онаси — юрти асло унутмайди!

Миллий усулда қад ростлаган айвондаги темир "дафтар" да эса урушда халок бўлган ҳар бир ўзбекистонликнинг номи зарҳал харфлар билан ёзиб қўйилди. (Давоми 2-бетда)

Мудҳиш кунлар эди...

Истибод қатағонларининг мудҳиш исканжаси қанчадан-қанча беғуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлгани, пок номларини булғгани ҳақида тарих мангу сўйлайверади.

...1931 йил 15 июнда ВКП(б) Марказий Қўмитаси Волга ва Москва дарёларининг қўшилишини таъминловчи канал қуриш тўғрисида қарор қабул қилади. Мазкур канал пойтахтга зарур миқдордаги сув келишини таъминлаш керак бўлган. Бинобарин, бу улкан қурилишга минглаб ишчилар ва турли соҳа мутахассислари жалб этилиши лозим эди.

Шу вақтда собиқ совет мамлакатига жамоалаштириш, "қўлоқлаштириш" ва сургун қилиш сиёсий кампанияси аёв олганди. Ог-1932 йил 14 сентябрдаги буй-руғи билан канал қурилиши бошқарилаётган пойтахт бўсағасидаги Дмитриев шахрида Дмитриев меҳнат-тузатув лагери барпо этилади. Тез орада бу лагерьга Оқ денгиз-Болтик, Балахнин, Урта Осий ва бошқа худудлардаги лагерлардан юз минглаб маҳбуслар келтирилади.

Москва-Волга канали қурилишида меҳнат қилган Дмитриев лагериди маҳбуслар учун бир неча ўнлаб газета ва журналлар чиқиб турган. Уларнинг айримлари миллий тилда нашр этилган. Жумладан, ўзбек тилида чиқадиган "Канал зарбдори" газетасига қамок муддатини ўтаётган шоир Миртемир муҳаррирлик қилган. Бу қурилишда рус, украин, немис, яҳудийлар билан бир қаторда кўнлаб ўзбеклар, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркманлар қатнашганлар. Ўзбекистонлик маҳбуслардан ташқари қурилишга республикадан кўнлаб кўнгилчилар ҳам сафарбар этилганди.

(Давоми 4-бетда)

Қарор ва ижро

Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводида металл парчалари ва чиқиндиларини топширувчи ташкилотлар орасида Бухоро вилоятидаги иккиламчи қора металл шуъба корхонаси ҳам бор. Унинг директори Ҳикматилла Фуломов билан суҳбатлашдик.

Рағбат - ютуқларга йўл очади

"Вторчермет" номи билан аталадиган корхонага асос солинганига қирқ олти йил бўлди, — дея гап бошлади у. — Жамоамиз асосан вилоятдаги барча ташкилот ва корхоналардан металл парчалари ва чиқиндиларини қабул қилиб, Ўзбекистон металлургия заводида топширади. Улардан қишлоқ хўжалигида, қолаверса, кундалик ҳаётимизда жудаям асқотадиган зарур буюмлар тайёрланади.

(Давоми 3-бетда)

Светлана - жаҳон чемпиони



М. АМИН (Уш) олган сурат.

Пекин шаҳрида энгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида XI жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Дунёнинг давлатидан тирок этган ринчиллигида Светлана Радзивиц баладликка сакраш бунҳасларида 1 метру 91 сантиметрни забт этиб, бу борда дунёда тенгсиз спортчи эканлигини намоён қилди. Светлананинг бу ютуғи Мустақиллик байрами 15 йиллигига ажойиб тўёна бўлди.

(Давоми 4-бетда)

Мавзу


Туронзаминда ҳатто ислом дини қарор топишдан аввал ҳам сувга туғлаш, сувга ахлат тўкиш ёки сувни бошқа йўللار билан ифлослан-тириш катта гуноҳи азим ҳисобланган.

Жуда қадим замонлардан буюн дехқончилик билан шуғулланган халқимиз тирикчи-

Авлодлар насибаси кемтик бўлмасин

лик манбаи бўлган сувни муқаддас нъмат, деб қадрлаган. Минг йиллар давомида сув ўзбек халқи учун фақат моддий фаровонлик омили бўлибгина қолмай, айни чоғда маънавий юксаклик тимсоли ҳам бўлиб келди. Тарихий ва маданий қадриятлар билан бир қаторда халқимизнинг ўзига хос анъаналари, хусусан, сувдан тежаб-терғаб фойдаланиш борасидаги тажрибалари ҳам авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда)




Дунё саҳнасида

Мустақиллик иншоотлари

СИРДАРЁ:

Кўринг, ҳавас қилинг!



Б.АКРАМОВ ошган суратлар

Боқий ва барҳаёт анъана

(Боши 1-бетда)

Умумалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш буйича фаолият юритган республика ишчи гуруҳидан олинган маълумотларга қараганда, унда қарийб 17 миллион нафар юрдошимиз иштирок этган.

Ҳашар кунлари 32 минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. 60 минг тоннадан зиёд маиший ва қурилиш чиқиндилари ташиб кетилди. Ариқ-зовурлар ва бошқа сув йўллари тозаланди. Зиёратгоҳ ҳамда қабристонларда,

аҳоли яшаш жойлари ва ишоналарда кенг қўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Богроғлар, гулзорлар, турли яшил майдонлар тартибга келтирилди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

Меҳр-муруватга муҳтожлар ва кам таъминланганлар ҳолидан хабар олиш - халқимизнинг азалий фазилатларидан. Ҳашар кунлари бундай анъаналар янада жонланди. Эҳтиёмжанд оилаларга қарийб 400 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳашарда мактаб ўқитувчилари ва мураббийлар билан бир қаторда қарийб бир миллион нафар ўқувчи-ёшлар ҳам иштирок этди. Бу тадбир, айниқса, янги ўқув йилида фойдаланишга топширилган мактаблар, тубдан ва жорий таъмирдан чиқарилаётган умумтаълим муассасаларида уюшқоқлик билан ўтди.

Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш хақи «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди. Бу маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфра-

тузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламга кўмаклашиш, жумладан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, Меҳрибонлик, Саховат, Муруват уйлари каби иттиҳослашган муассасаларнинг моддий-техника базасини янада яхшилашга сарфланади.

Баҳор ҲИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ. М.АМИН (ЎЗА) ошган сурат.

Олий Мажлис Сенатининг кўчма йиғилиши

Қоракўлчиликни ривожлантириш йўлида

Самарқандда - Ўзбекистон чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Уни шу қўмита раиси Ғофир Алиев олиб борди.

Йиғилишда қайд этилдики, қоракўл зотли қўйлар дунёнинг қарийб 40 га яқин мамлакатларида урчитилади. Унинг нўблтиги шундаки, қоракўл зотдан - тўшт, сўт, жун ва қоракўл тери каби маҳсулотлар олиш мўмкин. Шунингдек, қоракўл зот қўйнинг 10 хил ранг, 12 хил тус ва 30 га яқин ранг-барангликлар мавжудлиги ҳам унинг нодир ва нўблтигидан далолат беради. Шу боис, ҳозирги кунда 104 та қоракўлчилик ширкат ҳўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг 20 таси наслчилик заводлари ҳисобланади, 10 таси наслчиликка ихтисослашган.

Ф.Фулмон номли наслчилик заводидида қоракўл қўйларнинг қовурғасимон, калмиғулли, қора рангли, Қонимех туманидаги «Сарибег» наслчилик заводидида эса ясси тилдаги, сур рангли янги завод типлари яратилгани айти мўдда бўлиди.

Қайта ишлашга қизиқиш катта

2006 йил 7 июлда Республика Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун фермер ҳўжалиқларини замонавий усқуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш борасидидаги тақдирларни тайёрлаш буйича Ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинган эди.

Этиштирилган мева-сабзавотлардан нобудгарчиликларсиз самарали фойдаланиш, фермер ҳўжалиқлари ҳамда агрофирмаларни замонавий усқуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш жиҳобидан экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадидида мақсуд Фармойишнинг ижросини таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Ўзбекистон Фермер ҳўжалиқлари уюшмаси «Techno food service» компанияси ҳамкорлигида ўтказилган семинар ҳам айти шу масалага бағишланди. Унда тегишли вазирилк ва идоралар вакиллари, мутахассислар, шунингдек, республикамиз вилоятларидан ташриф буюрган фермерлар, агрофирма раҳбарлари иштирок этдилар.



Айриқча фермер Аюбжон Янгибегов, алоҳида эътибор бераямиз. Нияти-миз - асоб-усқун харида қилиб, қайта ишлашга кенг йўлга қўйиш. Бугунги семинар менга ана шу имкониятни берди.

«Айриқча фермерларнинг қайта ишлашга қўл уриши нима беради?» деган мулоҳазани билдиришди, - дейди Фермер ҳўжалиқлари уюшмаси раиси ўринбосари Урол Норинов. - Бу, аввало, нобудгарчиликнинг олдини олиб, исрофгарчиликни бартараф этади, ҳўжалик иқтисодини янада юксалтиради. Хом ашёга хариддор

(Боши 1-бетда) Кейин бундай майдонлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказий шаҳарларида ҳам бунёд этилди. Тошкент Ислон университети (7 апрель), Республика Маънавият ва маърифат кенгаши (7 август, 3 сентябр) Президент Фармони чиқди), Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси (21 сентябрь) таъсис этилди.

ИСТИҚЛОЛ - бахтим, саодатим...

1999 йилнинг ёзда қолган энг муҳим воқеалари ноябрь ойида бўлиб ўтди. Хоразмда Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800 йиллиги (5 ноябрь), Термизда эса «Алломиш» дostonининг 1000 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Манғуберди ва Алломиш ҳайкаллари очилди.

Декабрь ойида Тошкент ва Самарқандда Камолитдин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди. Миллат қадим тарихи билан нафас ола бошлаган эди. Қайси халқ минг йил бурун «Алломиш»дек буюк эпик дoston яратган бўлса, у башарият тамаддуни раванқига улкан ҳисса қўйган ҳисобланади. Ўзбек халқи уч ўта буюк адабий ёдгорлик яратган: халқ оғзаки ижодида - «Алломиш», мумтоз адабиётда - «Фарҳод ва Ширин», ҳозирги сўз санъатида - «Ўткан қулар». 1999 йил шунини баралла айтиш имконияти берди.

Жалолитдин Манғуберди руҳига муносабат шу билан тўхтаб қолмади - 2000 йил 30 августда мамлакатимизда «Таваллудин Манғуберди» ордени таъсис этилди. 18 декабрда Нукус шаҳрида Ажиниёз Қўсийов ўғли таваллудининг 175 йиллиги нишонланди. 29 декабрда эса Вазирлар Маҳкамаси «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига нишонлашга тайёрларлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор чиқарди. Шу йили 5 ва 19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига эркин демократик сайлов бўлиб ўтди.

2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Мантиқан бу «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили» ва «Аёллар йили»нинг узвий давоми эди. 15 февралда шу йил йўналишига оид тадбирларни ўз ичига олган давлат дастури қабул қилинди ва у изчил амалга оширилди. «Соғлом авлод - бизнинг келажакимиз» тўпламидан зиёлиларимиз томонидан ёзилган соғлом авлод тарбияси билан алоқадор яхши-яқши мақолалар ўрин олди.

Сайлов сайловга уланди: 9 январда Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. Мустақиллик йиллари мамлакатимиз учун йўл қўришлари даври бўлди. Истиклолнинг 9 йиллиги арафасида - 29 август кўни пойтахтимизни, бошқа ҳудудларни Фарғона водийси билан туташтирувчи Қамчиқ довонидан ўтказилган янги автомобиль йўлининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Фарғона водийси географик жиҳатдан барча тарафдан баланд тоғлар билан ўралган. Фақат Сирдарё оқиб келадиган ердангина кириш мўмкин, ҳолос. У ер эса Тожикистон ҳудудида. Вилоятдан вилотга ўтиш учун иккинчи бир мамлакат орқали юриш керак бўлар эди. Бу етарлик муаммолар туғдирганди. Шунинг учун Фарғона водийсидида уч вилотимиз Тошкент вилоти билан тоғ усти йўли орқали туридан-тўри боғланди. Бу жуда катта стратегик мақсадни қўлаб амалга оширилди. Шу тариқа Ўзбекистон орқали автомобиль йўли билан Хитойга чиқиш имкони яратилди.

Буюк тарихимиз билан боғлиқ қўшалок байрамлар ўтказиш мамлакатимизда ўзига хос анъанага айланиб қолди. 16 ноябрда Марғилонда буюк фикр олим Имом Бурҳониддин Марғиёний таваллудининг 910, 17 ноябрда эса яна бир буюк фақиҳ, калом олимнинг мотуридий оқими асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги нишонланди. Марғилонда ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, шу ерда олимнинг рамзий мақбараси ўрнатилди. Самарқандда Мотуридий қабри узра мақбара бунёд этилди.

Тарихимиз билан боғлиқ яна бир муҳим санани эсга олишимиз керак. Ноябрь ойида ЮНЕСКО мейморий-тарихий ёдгорликлар Жаҳон мероси қўмитасининг Австралиядида бўлиб ўтган мажлисида Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарлари тарихий марказлари Жаҳон мероси рўйхатида киритилди.

Ўзбекистон - жаҳоннинг энг кўп тарихий-мейморий ёдгорликларга эга мамлакатларидан бири. Истиклол бунини дунёга баралла айтиш, қўрсатиш учун кенг имконият яратди. Шақ-шубҳа йўқки, келажакда туризм мамлакатимизнинг энг асосий иқтисодий йўналишларидан бирига айланади. 1999-2000 йиллар тарихга келажакка муносиб пойдевор қўйилган йиллар сифатида кирди.

Султонмурод ОЛИМ, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари. (Давоми бор)

Авлодлар насибаси кемтик бўлмасин

(Боши 1-бетда)

Бугун ер юзиди тоза ичимлик сув тақчиллиги энг катта муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам экологик хавфсизликни таъминлаш нўхтаи назаридан сув ресурсларининг тақчиллиги ва ифлосланиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ота-боболаримиз ариқ ва анҳорлардаги оқар сувни истъёмол қилишарди, чунки ўзанлардан ичишга ярайдиган топ-тоза сув оқар эди. Эндликда ариқдаги сувларга қўйишга ҳам ботинолмайсиз. Чунки бундай сувда ниҳоятда ифлосланган ва касаллик тарқатувчи микроблар мавжуд. Ҳўш, нега шундай?

Надоматлар бўлсинки, собиқ шўролар даврида халқимизнинг миллий анъаналари унутилди, сув манбаларидан фойдаланиш борасида мисли қўрилмаган даражада исрофгарчиликка йўл қўйилди. Охириқибат экология инқирози рўй берди. Орол фожиаси жамки инсоният учун улкан экологик ҳалокат сифатида йиғирманчи асрдан аччиқ сабоқ бўлиб қолажак.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Орол инқирози инсоният тарихидида энг катта экологик ва гуманитар ҳалокатлардан биридир. Денгиз ҳавзаси атрофида яшайдиган 35 миллион нафарга яқин аҳоли унинг таъсири остида қолди».

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, охириги 40-45 йил давомида Орол денгизи сатхи 22 метрга пасайиб кетди, акватория майдони 3,8 мартадан зиёдга камайди. Сув ҳажми 1064 км³дан 115 км³гача озайди. Сув таркибидидагу туз микдори бир литрда 72 граммга етди. Қуриб қолган денгиз туби майдони 4,2 миллион гектарни ташкил этади. Бу ердан хар йили атмосфера хавосига 15 дан 75 миллион тоннагача чанг кўтарилди.

Маълумки, мамлакатимизда асосий ер усти сув оқимлари ва ер усти сув захиралари унчалик кўп

эмас. Асосий ер усти сув оқимлари манбалари бўлиб Амударё ва Сирдарё ҳисобланади. Уларнинг кўп йиллик ўртача умумий оқими 115,6 км³ни ташкил этади. Ушбу сув ресурсларининг барчаси қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодийнинг турли соҳаларида фойдаланилади. Ўзбекистонда мавжуд бўлган сув ресурсларининг 90 фоизга яқини қишлоқ ҳўжалиги секторида ишлатилади. Лекин ҳозирда шу сувдан тежамкорлик билан фойдаланилапти, деб бўлмайди. Сув масаласи билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг таҳлилига қўра, обикор деҳқончиликка ихтисослашган ерларда эллик фоизгача сув самарасиз ишлатилади.

Кўпчилик ҳозирги вақтда Орол денгизи муаммоси сув ресурсларининг танқислиги натижасида рўй берди, деб ҳисоблайди. Турни, янги ерларнинг кенг микёсда ўзлаштирилиши, саноатнинг жадал ривожланиши, янги коллектор ва каналларнинг қазилиши ҳам бу муаммога сабабчи, албатта. Лекин биринчи навбатда бу инқироз сувдан самарасиз фойдаланиш, ҳалдан зиёд сув исрофгарчилигига йўл қўйиш оқибати, десак янглишмаган бўламиз.

Шўролар даврида сувдан фойдаланиш текин бўлганлиги боис аҳоли ўртасида унга нисбатан исрофгарчилик муносабати шаклланиб қолган. Қолаверса, сув исрофгарчилиги сув таъминотининг амалда иқтисодий баҳоси тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслар.

Ичимлик суви қранларининг жўмрақларини очиб қўйиш, шу билан томорқаларни сугориш, юви-ниш ва кир ювишда истъёмолга яроқли сувни ҳалдан зиёд ортиқча ишлатилаётганлиги ҳақида кўп ва кўп гапирилди, газеталарда ёзилди. Аммо бу ҳали қутилган натижани берамтир.

Истъёмолчилар томонидан йўл қўйилган мавжуд сув исрофгарчилигига барҳам берилмас экан, вазиятни яхши томонга ўзгартириш



қийин. Аҳолининг сувга муносабатини ўзгартириш лозим, сувни эъозлаш борасидидаги миллий анъаналар тикланиши керак. Янги, аҳоли сувни тежаб-тегаб ишлатиш ва кўз қорачидаги асраш борасидидаги тарихий удумга амал қилиши зарур. Яна бир ҳавотирли ҳолат ер усти сувларининг ҳалдан зиёд ифлосланиб бораётганлиги оқибатида инсон саломатлигига ва экологияга хавф солинаётганлигидир. Республикаимиздаги кўпгина сув хавзалари меъёрдан ортиқ даражада ифлосланган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийсидидаги коллектор-зовурлар сувлари, Тошкент вилотидаги Чирчиқ дарёси Салор канали бунга яққол мисол бўла олади. Республикаимиз асосий сув артериялари - чўчқ сувли дарёларга сугориш майдонларидан оқори минераллашган, пестицидлар минерал ўғитлар билан ифлосланган ювма сувларнинг ташлиниши сабабли ичимлик суви таъминотини ташкил этиш учун мутлақо яроқсиз бўлиб қолди. Атроф муҳит ифлосланишининг энг катта ижтимоий-экологик оқибатлари Сирдарёнинг оқори оқимиға (Фарғона водийси) тўғри келади. Бу ерда саноат ва демография салохиятининг таъсири республика бутун саноатининг 47 фоизини, ўрта оқимида (Тошкент вилоти) 21 фоизни ташкил қилади. Чирчиқ, Зарафшон, Сирдарё дарёларида саноат қорхонларининг таъсири остида сувнинг ифлосланиши кучаймоқда. Сув сифатиға умумий таъсир кўрсатишда саноат қорхоналари ифлосланишининг маҳаллий манбаларини келтириб чиқаради ва сув хавзаларида тўпланиш мойиллигига эга бўлган оғир металллар ва бошқа токсик моддалар билан ифлосланган иқтисодий асосий манбалари бўлиб ҳисобланади. Шундай ифлосланган сувлар ошқозон-ичак касалликларининг тарқалиш хавфини юзага келтиради. Ер ости сувларининг ифлосланиши ҳам йилдан-йилга ортиб бораётди. Минераллашми даражаси 1/г/гача бўлган чўчқ ер ости сувларининг захиралари кейинги 30 йил давомида 40 фоизга камайганлиги аниқланган. Чўчқ ер ости сув захираларининг энг кўп камайиши

Хуррият наволлари

Эллиқалғада ўтказилган адабиёт байрами иштирокчилари қалбига чексиз шуқуқ бағишлади

(Боши 1-бетда)
Адабиёт байрамнинг дастлабки кунда унинг иштирокчилари Бўстон шаҳридаги "Мотамсаро она", Ешлар хибонидида "Устозга эҳтиром" ёдгорликларига гулчамбарлар қўйишди. Туман археология ва тарих музейининг ноёб экспонатлари билан тани-

Тадбирнинг асосий қисми муҳташам Санъат саройида бошланди. Адабиёт байрамини, халқ шoirи Абдулла Орипов бошқариб борди. Эллиқалғанинг ардоқли адиблари, санъаткорлари, жумладан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Тўлғабег Қампбергери

рини ўқиб беришди. Халқ артисти Муяссар Раizzoва элдoshларини Муस्ताқилликнинг 15 йиллиги шарафига ўтказилаётган тадбир билан муборакбод қилди. Ижодкорларнинг Қорақалпоғистондаги энг йирик "Орол болалари" ўқув-соғломлаштириш марказида бўлиши

Тадбирнинг биринчи кунги кечкурун Оққакўл соҳилидаги тўрт минг томошабинга мўлжалланган амфитеатрда мушоира давом этди. Мамлакатимизнинг санъаткорлари иштирокида галаконцерт намойиш этилди. "Хуррият наволлари" иштирокчилари "Қирқиз" ва "Гулдурсин" овуллариди янги мактабларнинг фойдаланишга топширилиш маросимларида катнашдилар, ўз асарларидан намуналар ўқиб берди. Бу масканларда Таълим тўғрисидаги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг ҳаётга татбиқ қилиниши хусусида батафсил маълумот берган туман халқ таълими бўлими мудири Фарход Ибодуллоев жумладан шундай деди:



шди. Академик лицейда Ўзбекистон халқ шoirи Муҳаммад Юсуф бости очилиш маросими гоёт ҳаяжонли кечди. Бу ердаги йирик спорт мажмуасида кураш мусобақалари тантанали очилди. Мехмонлар китоб ярмаркаси, "Эллиқалғанинг залворли одиллари" фотокўргазмаси билан яқиндан танишишди. Уларда "Биз Муस्ताқилликнинг авлодларимиз" мавзусидаги кичиктойларнинг чиқишлари ҳам катта таассурот қолдирди.

нов, Ўзбекистон халқ шoirлари Жуманиёв Жабборов, Александр Файнберг, Махмуд Тоир, ёзувчи, шoir ва публицистлардан Хуршид Дўстмухаммад, Ўткир Раҳмат, Шўхрат Жабборов, Минҳожиддин Мирзо, Эркин Самандаров, Умида Абдуазимова, Хосият Рустамова, Кўчкор Норқобил, Рустам Мусурмон сингари унлаб "Хуррият наволлари" иштирокчилари санъат саройига тўпаланган адабиёт ихлосмандларини самимий табриқлашди, ўз ижод намуналар

бу ерда ёзи таълими кўнгидагидек ўтказилган болаларга олам-олам қўлдан бахш этди. Бу йил энг сулуғ ва гўзал мазкур масканда Қорақалпоғистоннинг барча туманларидан минг нафарга яқин болалар ёзи таълими мароқли ўтказишди. "Хуррият наволлари" дастуридаги Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасининг сайёр йиллигида адабиётнинг бугунги долзарб масалалари муҳокама қилинди.

— Хозир 64 та умумтаълим мактабларида 30 мингдан кўпроқ ўқувчиларни янги ўқув йилига қабул қилиш учун барча шарoитлар муҳайё қилиб қўйилган. Умуман, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маляка кадрлар билан таъминлашга жуда катта эътибор берилган. Фақат шу йилнинг ўзида 2 та мактаб таъмирланди, 4 та мактабда реконструкция ишлари сифатли тугаланди.

Эллиқалға қадимий ёдгорликлар маскани ҳисобланади. Туман ҳудудида юздан ортқ катта-кичик қалалар, қўрғонлар мавжуд. Шуллардан бири маҳобатли Гулдурсин қалъасидир. Ижодкорлар ана шу қалъани ҳам бори қўришди, қадим аждодларимизнинг қурилиш бора-сидаги ақл-заковатларига тан берди.

"Тоза бoғ" овули аҳолиси, ёш ижодкорлар билан учрашув сўз сўхрининг қанчалик қудратга эга эканлигини яна бир бора яқоқ исботлади. Бу овулдаги янги фойдаланишга топширилган шохобчаларнинг деҳқонларга қўрсатилган хизматлари ҳавас қилса арзиғулик эканлиги диққатга сазовор бўлди.

Айниқса, "Тоза-Амиробод" фермер хўжаликлари уюшмаси дала шйпонида бўлган учрашувда оташнафас шoirимиз Абдулла Ориповнинг шу ҳудудда ўрнатилган лайлак рамзи ҳақида айтган сўзлари ҳаммани ҳаяжонга солди — Муस्ताқиллик майдонидаги тинчлик ва осийшталлик даракчиси тимсоли бўлган лайлакларнинг бири "Тоза-Амиробод" далаларига келиб қўнгандай, деб лутф қилганида, фермерлар, деҳқонлар, суеви, механкатор, барча-барчаннинг ҳаяжони яна ҳам вришиб кетди. Унда бугунги кунлар шўқронаси, ўз она юртидан фахрланиш, гурурланиш, тинчликка, хотиржамликка, бунёдкорликка таъзим ифодаси мўжассам эди. Бу — Муस्ताқилликнинг мезмори, юртимизнинг бош бoғбонига хурмат-эҳтиром, миннатдорчилик туйғуларининг ёркин кўриниши эди.

Муस्ताқилликнинг 15 йиллиги арафасида ўтказилди, эллиқалғалиқларда катта таассурот қолдирган, ёш авлодни тарбиялашда муҳим рол ўйнайдиган "Хуррият наволлари" адабиёт байрами тантаналарида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Баҳодир Янгибоев иштирок этди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

SPORT O'LAMIDA

"Хоразм" яна мағлуб

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лига жамоалари ўртасида 20-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Сўнгги турларда йирик ҳисобларда мағлубиятга учраб, ўз мухлисларини ҳафа қилиб келаятган "Хоразм" клуби бу турда ҳам ўз аънаво"сига содик қолди. "Андижон" меҳмони бўлган хоразмлик футболчилар бу сафар 7:1 ҳисобида имкониятни бой беришди. Эслатиб ўтамиз, 18-турда "Хоразм" "Насаф"дан 3:9, 19-турда "Пахтакор"дан 1:9 ҳисобларида мағлубиятга учраганди.

Совринли ўринлардан бирига эгалик қилиш учун курашаётган Қаршининг "Насаф"и бу турни Фўзорда ўтказди. "Шўртан" меҳмони бўлган Баҳром Ҳакимов шогирдлари рақибларидан 3:2 ҳисобида устун келишди. Етаки клублардан яна бир "Нефчи" "Металлург"ни Анвар Бердиевнинг ягона голи эвазига мағлуб этди.

"Локомотив" меҳмони бўлган "Машъал" ҳам сафардан уч очко билан қайтди — (2:3). Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: "Пахтакор" — "Қизилқум" 2:1, "Тупалан" — "Навбахор" 1:1, "Трактор" — "Самарқанд-Динамо" 2:1, "Сўғдиёна" — "Бухоро" 2:0.

Турнир жадвалида "Пахтакор" 55 очко билан етакчилик қилмоқда. Иккинчи ва учинчи ўринлардаги "Насаф" ҳамда "Нефчи"да бир хил — 46 очкодан бор.

Олий лига билан хайрлашадиган жамоалар қаторидан эса "Хоразм" "мустақам" жой олган. Хоразмликлар яқунда 20 турдан сўнг бор-йўғи 3 очко жамғарган, холос. "Сўғдиёна" ва "Металлург" клубларининг ҳам аҳолини яши, деб бўлмайди.

Ғолиблар аниқланди

Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада 1990-1991 йилларда тугилган 600 нафарга яқин ўсмирлар ғолиблик учун кураш олиб борди.

Уч икки вазн тоифасида ташкиллаштирилган беллашувлар якунида мезонлар энг кўп совринли ўринларга эгалик қилишди. Тўққиз медални қўлга киритган сирдарёлик, ёш спортчилар бу спорт турининг сир-асорларини мукамал ўзлаштиришда тинчлик ва осийшталликни намойиш қилишди. Поитах спортчилари эса етти та совринли ўринга эгалик қилиб, сурхондарёлик рақибларини ортда қолдиришди.

"Сув париси" олтинлари ҳамюртларимизда

Поитахнинг сизинхрон сузиш бўйича "Сув париси" халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиз ҳамда Қозоғистон, Таиланд, Россия давлатларидан келган 150 нафарга яқин спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Мусобақалар уч гуруҳда ташкиллаштирилди: 16 ва ундан катта ёшдагилар, 12-15 ёшлар ҳамда 13-15 ёшлар кичик ёшлар. 2000 йилдан бунён ўтказиб келинаётган "Сув париси" халқаро турнири нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу йилги мусобақалар ҳам мурасосиз курашлар остида ўтди. Шу жумладан, вакилларимизнинг ҳам спортнинг мазкур турида маҳоратлари тобора ортиб бораётганига гувоҳ бўлинди. Спортчиларимиздан Дарья Жожаева, Валерия Золотых, Шоҳида Зоҳидова, Анастасия Рузметова, Юлия Кимлар совриндорлар қаторидан жой олишди. Деярли ҳар бир гуруҳ ғолиблиги ҳамюртларимизга насиб этди.

Ҳолифилднинг ўзига ишончи баланд

Жерemi Бейтсни икки раундда нокаутга учратган суперогир вазли боксчи Эвандер Ҳолифилд ўз имкониятларини юқори баҳоламоқда.

43 ёшли спортчининг сўзлари га кўра, у рингда ўзини жуда яхши ҳис қилган ва яна жиддийрок рақибларга қарши жанг ўтказиш имкониятига эга.

Шунингдек, собиқ тўрт қара жаҳон чемпиони жаҳон чемпиони бўлиб беш йил боксдан четда юришга мажбур бўлган. Хозир эса у тўла соғайган ва бор кучи билан машғулотлар ўтказишга тайёр. Эвандер Ҳолифилд ўз олдига бешинчи бор чемпионлиқни қўлга киритишни мақсад қилган.

Ўзининг кейинги жангини туркиялик Синам Самил Самга қарши ўтказишни режалаштиратган Эвандер бу гал ҳам рақибини мағлубиятга уратмоқчи. Агар унинг режаси амалга осса, Эвандер WBC чемпиони Олег Маскаев қамарига номзод саналади. "Яхши от охирида қопади", деганларидек, 43 ёшли уриб қўйган Эвандернинг қўлидан яна нималар келишини вақт кўрсатади.

Яшавор, Руни!

Футбол бўйича Англия премьер-лигаси ўйинлари бошланди. Дастлабки турни чемпионат ғолиблигига даъвогарлардан "Челси" ва "Манчестер Юнайтед" клублари галаба билан бошлаган бўлса, "Арсенал" ҳамда "Ливерпул" биринчи турни дуранг билан аяқлади.

"Челси" "Манчестер Сити"ни 3:0 ҳисобида доғда қолдирди. "Манчестер Юнайтед" эса "Фулхем" дарвозасини беш бор аниқ нишонга олди. Луи Саа, Уэйн Руни (уч бор) ва Криштиану Роналдулар киритган голларга "Кизил иблислар" химоячиси Рио Фердинанд ўз дарвозасини ишғол қилиб жавоб берди — 5:1. "Арсенал" — "Астон Вилла" билан муроса кўчасини танлаган бўлса (1:1), "Ливерпул" уйини лига дебютанти "Шеффилд Юнайтед" билан худди шу ҳисобда аяқлади.

Қолган жамоалар ўртасидаги учрашувлар қуйидагича аяқланди: "Эвертон" — "Уотфорд" 2:1, "Ньюкасл" — "Уиган" 2:1, "Портсмут" — "Блэкберн" 3:0, "Ридинг" — "Мидлсбро" 3:2, "Вест Хэм" — "Чарльтон" 3:1, "Болтон" — "Тоттенхэм" 2:0.

Фахриддин АБИЛОВ тайёрлади.

Муджиш кунлар эди...

(Боши 1-бетда)
Улар ҳам қизил салтанат мафурчалари томонидан ўзига хос усулда "қайта тарбияланганлар".

Мамлакатдаги лагерларнинг энг каттаси Дмитраг (Дмитров лагери) эди. Бу ерда 1933 йили бир миллион икки юз минг киши ҳамланган. Уларнинг аянчи меҳнати билан 128 километр узунликдаги Москва-Волга каналдан ташқари, 11 шлюз, 7 тўғон ва гидростанциялар қўрилган. Вербилоқдан Волга, Катта Волгадан Дмитров шаҳригача темир йўл барпо этилган. Оғир жисмоний меҳнатдан, очликдан қўпал маҳбуслар ўлиб кетишган, қочганлар ҳам оз эмасди, лекин ушлаб олинганларга янги мўддат ёки отув жазоси берилган.

Нихоят, 1937 йили юз минглаб одамларнинг жони эвазига қўрилган Москва-Волга канали — Иккинчи беш йилликнинг буюк қурилиши ишга тушади. Шу билан бир пайтда ўша йилнинг 8 августидан бошлаб Москва ёнидаги Бутово ва Коммунарка "мажус объектлар"ида оммавий отувлар бошланади.

1937 йил 1 октябр санасига оид махфий ҳужжатлардан бирида Волга лагерида 1554, Беломор болтиқ лагерида 1199, Москва-Волга канали қурилишини таъмин этган Дмитров лагерида 1935 ўзбек борлиги қайд этилади. Ўша вақтда барча лагерларда 21579 нафар ўзбек бўлган. Уларнинг ахсарияти ўз юртига қайтмай касалликдан, оғир меҳнат ва очлик туфайли дунёдан кўз юмиб кетишган. Мазлум қисми 1937-1938 йиллардаги сийсий катагонда ноҳақ отиб юборилган.

Дмитрагдигилардан 20761 киши 1937-1938 йилларда отилганлиги, Бутово полигонига қўмилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Хусусан, ўзбекистонликларнинг қисқача таржimai ҳоли, айблов ишлари, Дмитрагда қамоқ жазосини ўтагани, шу жойда қайта қамоққа олиниб, отилгани каби маълумотлар ҳақидаги ҳужжатлар билан танишаркансиз, элдoshларимизнинг аянчи қисмати кўз олдингиздан ўтади. Бу катагон қилинган ҳамюртларимиз республикамизнинг турли вилоятларидан бўлган. Шулардан 60 нафарча кишининг азиз номларини топиб, фожияли қисматлари ҳақидаги ҳужжатларини ўргандик, баъзиларининг суратлари ҳам сақланиб қолган экан. Улар орасида қишлоқ деҳқонлари ҳам кўп эди. Мана, улардан айримларининг исми-шарифларини келтириб ўтас:

Воҳидов Ваҳобжон (1897 йили Балтичи тумани Чинобод қишлоғида туғилган, деҳқон оиласидан), Сулаймонов Шайди (1904 йили Қўрғонтепа тумани Абдуллабий қишлоғида туғилган, деҳқон), Ашуров Раим (1902 йили Қорадарё тумани, Мундичи қишлоғида туғилган, деҳқон), Исмаилов Файзи (1912 йили Бухоро тумани Харғўш қишлоғида туғилган, деҳқон оиласидан), Эшбоев Маъмур (1910 йили Булунгур тумани Қорақулсон қишлоғида туғилган, деҳқон), Минғобоев Тўқлу (1901 йили Минтан тумани Қорақалпоқ қишлоғида туғилган, деҳқон), Каримов Уринбой (1903 йили Юқори Даргом тумани Робот қишлоғида туғилган, деҳқон), Донёров Махмуд (1904 йили Денов тумани Ҳасанқала қишлоғида туғилган, деҳқон), Бобожонов Жуманазар (1903 йили Хонқа тумани Саучен қишлоғида туғилган, деҳқон). Заминдан ҳалол меҳнат билан эл ризқини ундирган бу деҳқонларнинг айби нима эди, улар қандай сийсий жиноят қилгандилар?!

Булар каби минглаб беғуноқ инсонлар ҳам ана шу "иккинчи беш йилликнинг буюк қурилиши"нинг қурбони бўлганлар. Қизил империянинг бу сохта бунёдкорлиги аслида ажал қонига айланган, қанал "эркин халқлар" қонига бўлганб оқар эди. Катагон сийсати қурбони домига тушган бу миллатдошларимиз ўша муҳиш "Бутово қатлгоҳи"даги қабристонда абадий сукут қўнида ётибди.

Албатта, уларнинг пок номи ҳам бугунги истиқлол кунларимизда яратилаётган "Қатагон қурбонлари" хотира китобидан, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуидан ўрин олади, деган умиддамиз. Юраги истиқлол орузида ёнган, жабр-зулм ва мислсиз адолатсизлик қурбонлари бўлган бу юртдошларимизнинг охиратлари обод бўлсин.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ, Андижон Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ДХО "BASYS" обявляеt о намерении приобрести акции следующих акционерных обществ:

№	Наименование предприятия	% от УФ
1	ЧОАКБ "Капитал Банк"	свыше 15
2	ЧОАКБ "Алп Жамол Банк"	свыше 15
3	АКИБ "Ипотечка банк"	свыше 15
4	ЧОАКБ "Равнак банк"	свыше 15
5	АК "Траст банк"	свыше 15
6	ЧОАКБ "Универсал банк"	свыше 15
7	ЧОАКБ "Туркистон"	свыше 15

Предложение действительно в течении двух месяцев со дня опубликования обявления.

Утерьянный кадастровый документ на землю (Мирабадско района г.Ташкента) № 2441870119, выданный в 2003 г. на имя Темирбекова Данекера Кошкеновича, считать недействительным.

Утерьянный круглый печать, выданный на ЧП "POKIZAHASANBOY" Сабир Рахимовского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утерьянный аттестат О'Р-SH № 0182944 о среднем образовании, выданный в 2005 году школой № 175 Мирабадско района г.Ташкента на имя Забегайло Алексея Юрьевича, считать недействительным.

Утерьянный диплом № 0459817, выданный 26.06.1992 г. СПТУ № 11 (Республиканский учебно-производственный центр по новым технологиям) на имя Солуянова Дмитрия Рустамовича, считать недействительным.

Утерьянный аттестат О'Р-SH № 0529921, выданный 24.06.2006 г. сред.школой № 29 Сабир Рахимовского района г.Ташкента на имя Курбанова Раъно Худайкулова, считать недействительным.

"Частное предприятие "OLOVO YO'L" Чиланзарско района г. Ташкент (код ОКПО 18620312), ликвидируется в течении 2-х месяцев со дня опубликования обявления.

Ихтисослаштирилган кимомоди савдоларини ташкил қилиш "ALKASAR TRADE" ташкилоти томонидан "Туркистон" рўномасининг 2006 йил 19 июл кунин эълонга берилган КК "Тинчлик ИнтернетШнл" корхонасига тегушли Тошкент шаҳар, Яқасарой тумани, Мухимий 1-тор кўчаси, 3-уйда жойлашган ип йигирувчеки биноси Яқасарой тумани суд ижрочилари бўлиминининг 20/8 сонли хатига асосан кимомоди савдоларидан олинади.

ООО "USHAR OAZIS" (код по ОКПО 20390747) Сабир Рахимовского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования обявления. Тел.: 78-69-54.

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ — AVTODOM.RU

"ГАЗ" русумли 50 хилдан звед автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтаралган фуруголар, 6-15 ўриндикли микроавтобуслари сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тежор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Махсулотлар сертифициланган

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Савд АҲМАД, Ағиёта АДИЛОВ, Ўқтам БАРНОЕВ, Фахриддин ҚАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Гафур ШЕРМУХАММАД.

МУАССИСА:
Ўзбекистон Республикаси Агростанот комплекси таркибида ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-58-83, 136-56-25, Котибият — 133-95-17, Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс — 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон — 8-374-22-234-08; Бухоро — 8-365-22-644-61; Жиззах — 8-372-22-606-34; Навоий — 8-436-22-60-525; Наманган — 8 — 389-41-234-23; Ферғона — 8-373-61-221-97; Самарқанд — 8-366-2-33470-57; Сурхондарё — 8-376-48-526-61; Сирдарё — 8-397-37-23-813; Тошкент — 8-371-136-56-21; Хоразм — 8-362-22-623-50; Қашқадарё — 8-375-22-517-85.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи:
Д.УЛУҒМУРДОВ
Саҳифаловчилар:
Р.ЕДГОРОВ,
А.САФОНОВ
Бош муҳасиҳ:
Ҳ.ТОШҲУҲАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-иллова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1017, ҳақми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қроғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади - 12131

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6